

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «МАҲАЛЛА ВА ОИЛА»
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАЕВ СОБИР ДЖУМАЕВИЧ

**ЖАМИЯТ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
sociological sciences**

Ходжаев Собир Джумаевич

Жамият модернизациялашуви шароитида тадбиркорлар
катламининг шаклланиш динамикаси.....5

Ходжаев Собир Джумаевич

Динамика формирования предпринимательского слоя
в условиях модернизации общества.....27

Khodjaev Sobir Djumaevich

The dynamics of the formation of the entrepreneurial stratum
in the context of modernization of society.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «МАҲАЛЛА ВА ОИЛА»
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖАЕВ СОБИР ДЖУМАЕВИЧ

**ЖАМИЯТ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Sots27 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.moiti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каланов Комил Кулахматович
социология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Абсалом Адилевич
социология фанлари доктори, профессор

Бердиев Бобир Рахматович
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот

**«Ижтимоий фикр» республика
жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази**

Диссертация ҳимояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий қўчаси 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com.

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий қўчаси 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилади.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.М.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Х.Абдураманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тадбиркорлик, жумладан, кичик бизнес, индивидлар ташаббусларини намоён қилиш орқали ўз имкониятларини шахсий манфаатдорликка йўналтириш, иқтисодий соғлом рақобат орқали ҳаракатга келтирувчи фаолият сифатида баҳоланади. Маълумотларга кўра, «глобал иқтисодий тизимда кичик ва ўрта бизнес корхоналари бутун дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 50 фоизини иш билан таъминлайди, 60-70 фоиз янги иш ўринларини яратади, тадбиркорлик соҳасига иқтисодий фаол аҳолининг аксарияти жалб қилинган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ярмини ишлаб чиқаради»¹. Бу тадбиркорлар қатламининг манфаатлари жамият ҳаётини чуқур трансформациядан ўтказди ва мазкур ўзгаришлар моҳиятини уларни юзага келтирувчи қатлам нуқтаи назаридан ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда тадбиркорлар қатламининг шаклланишига оид олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги даражасини тадқиқ этиш, тадбиркорлар қатламининг жамият ижтимоий стратификациясининг юқори ва ўрта поғоналарида мавқеи, нуфузи ва сиёсий мўлжаллари, тадбиркорликнинг ўзгариш динамикасини маълум вақт давомида давомий мониторинг қилиш, жамиятнинг бизнес қатлами тузилмаси, идентификацияси, ярим тадбиркорлик назарияси ва амалиёти, ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда тадбиркорлик қатламининг иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ролига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлар ижтимоий қатламини шакллантириш орқали тизимли равишда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, барқарорликни таъминлаш, миллий даромад ҳажмини кўпайтириш, халқнинг фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишнинг кўшимча манбаларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш!»², тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда камбағалликни камайтиришнинг энг мақбул ечими ҳисобланади. Тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш давлат сиёсатининг устувор мақсадларидан бири бўлиб, мазкур янги ижтимоий қатламнинг шаклланиши, ривожланиш тенденцияси, ижтимоий-маданий хусусиятларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил

¹ World Economic situation and Prospects. <https://www.un.org/development/desa/dpad/publication>

²Шавкат Мирзиёев: ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш. // <https://president.uz/uz/lists/view/3262>

5 майдаги ПФ-5037-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида», 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик феноменини тарихий, маданий, иқтисодий, сиёсий жабҳаларда ўрганиш анча илгари бошланган. Р. Кантильон, Ж. Сей, А. Смит сингари тадбиркорлик соҳасига асос солган хорижлик олимлар жамият тараққиётида унинг тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишган. В.Зомбарт, И. Шумпетер, Ф. Найт, Л. Мизес, И. Кирцнер ва Ф. Хайек каби олимларнинг тадқиқотларида³ тадбиркорликни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий субъект сифатида ўрганиш лозимлиги таъкидланади. Тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорларни алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида социологик жиҳатдан таҳлил қилиш Э. Дюркгейм, М. Вебер, Т. Парсонс, П. Сорокин ва бошқалар⁴ томонидан амалга оширилган. Иқтисодий тараққиётда тадбиркорликнинг ўрни, шаклланиш омиллари, тадбиркорлик субъектлари бошқаруви, унинг ижтимоий жиҳатлари МДХ олимлари Т. Заславская, А. Агеев, В. Радаев, М. Шкаратан ва бошқалар⁵ томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда тадбиркор субъекти ижтимоий тараққиёт индикатори сифатида кенг ўрганилган. М. Бекмурадов, Р. Убайдуллаева, Н. Алиқориев, М. Ганиева, Р.Т.Убайдуллаева, А. Умаров, А. Холбеков, Ш. Содиқова,

³ Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. Кн.1. Гл.1. – М.: Экономика, 1995. – 544 с.; Тюрго А.Р. Избранные экономические произведения. – М.: Издательство социально-экономической литературы, 1991. – 200 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / Антология экономической классики. Т.1. – М.: Эксмо, 1993. – 474 с.; Зомбарт В. Буржуа. Этюды по истории развития современного экономического человека. – М.: Наука, 1930. – 443 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития / научная монография. – М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. – 400 с.; Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль. – М.: Дело, 2003. – 360 с.; Мизес Л. Человеческая деятельность: Трактат по экономической теории / 2-е испр. изд. – Челябинск: Социум, 2005. – 882 с.; Кирцнер И. Конкуренция и предпринимательство /Пер. с англ. под ред. проф. А.Н. Романова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 288 с.; Хайек Ф. Дорога к рабству. – М., 1983. – 262 с.

⁴ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. – М.: Наука, 1990. – 575 с.; Вебер М. Избранные произведения. Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1990. – 797 с.; Парсонс Т. Система современных обществ. Пер. с англ. Л.А.Седова. –М.: 1998. -397 с., Сорокин П. Человек, цивилизация, общество. – М, 1992. – 393 с.

⁵ Заславская Т. Бизнес слой российского общества: сущность, структура, статус // Общественные науки и современность. – №1. – С. 22.; Агеев А.И. Предпринимательство: проблемы собственности и культуры. – М., 1991. – 112 с.; Радаев В.В. Экономическая социология. Курс лекций: Учеб. пособие. – М.: Аспект Пресс, 2011. – 368 с.; Шкаратан М. О. Феномен предпринимателя: интерпретация понятий. – М., 1993. – С. 1-10.

Т. Матибаев, А. Сеитов, О. Абдуазимов, Б. Фарфиев, К. Каланов, Н. Латипова, Т. Мусин сингари социолог⁶, Ф. Акрамов, Ш. Зайнутдинов, Д. Тростянский, А. Таксанов, Н. Тухлиев, А. Хикматов каби иқтисодчи⁷ олимлар томонидан тадбиркорлик соҳасининг турли жиҳатлари, жумладан, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий шарт-шароитлари, давлат ҳокимияти ва шериклар билан ўзаро муносабати, фаолиятни бошқаришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари ўрганилган, мотивация ва хатти-ҳаракат меъёрларига атрофлича эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда тадбиркорларнинг социомаданий тавсифлари, уларнинг мўлжаллари (ориентациялари) тадқиқ этилган бўлсада, тадбиркорлар қатлами ичида ўзини ўзи ташкил қилиш ва бирлашиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган, тадбиркорлар қатламини ташкил этишнинг институционал жиҳатларини ўрганиш масаласи асосланмаган, бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар қатламининг ички тузилиши ва динамикасини институционал жараёнлар нуқтаи назаридан ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

⁶ Бекмурадов М. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 436 б.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Қаюмов У.К. Социология общественного мнения в Узбекистане: теория, методы и практика. – Ташкент: Центр изучения общественного мнения, 2010. – 176 б.; Алиқориев Н. Умумий социология. – Ташкент: ТошДУ, 1999. – 135 б.; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития национальных отношений в Узбекистане. Автореф. дисс... докт. соц. наук. – Ташкент, 2009. – 50 с.; Убайдуллаева Р. Т. Гуманистическая социология: теория, методология и метод. – Ташкент: «Университет», 2010. – 222 с.; Холбеков А. Бошқарув социологияси. – Тошкент: Академия, 2007. – 187 с.; Содиқова. Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили. Соц. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 62 б.; Матибаев Т.Б. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари. – Тошкент: «Akademiyа», 2014. – 250 б.; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – 183 с.; Абдуазимов О.У. Роль средств массовой информации в формирования общественного мнения (на примере Узбекистана) // Вестник Поволжского института управления. 2015, №4 (49) – С. 45-50.; Фарфиев Б.А. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили. Соц. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 72 б.; Каланов К.К. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш тизими динамикасида обрнинг роли. Соц. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2020. – 59 б.; Латипова Н.М. Роль молодых специалистов в трансформации социальной структуры узбекистанского общества. Дис. канд. социолог. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с.; Мусин Т.Д. Социально-политические аспекты управления предпринимательской деятельностью (на материалах Ассоциации рестораторов Узбекистана). Автореф. дисс. ...канд. соц. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с.

⁷ Акрамов Ф. Основные проблемы развития и финансирования малого и среднего бизнеса // Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент, 2001. – №4/5.; Зайнутдинов Ш.Н. Менеджмент. – Ташкент: Iqtisod – Moliya, 2011. – 320 с.; Тростянский Д. Развитие предпринимательства как фактор экономического роста в Узбекистане // Общественное мнение. Права человек. – Ташкент, 2002. – № 3 (19). – С. 59-67.; Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Ташкент: Ўқитувчи, 2000. – 367 с.; Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Колл. авт.: Р.А.Алимов, А.К.Бедринцев, А.Ф.Расулев и др. // Под ред. А.Х.Хикматова. – Ташкент: Узбекистан, 2001. – 347 с.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда тадбиркорлар қатламини шаклланиш динамикаси ва институционал жиҳатларини социологик таҳлил қилиш орқали тадбиркорликни самарали ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«тадбиркорлик» ва «тадбиркорлар қатлами» тушунчалари моҳияти ва мазмунини барқарорлик шароитидаги хусусиятлар мажмуини белгилаш орқали тадқиқ этиш, тадбиркорлар қатламини ўрганишга оид социологик ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш;

жамият ҳаётида тадбиркорлар қатламининг ўрни, мавқеи, вазифалари, масъулияти ва ижтимоий функцияларини тадқиқ этиш, тадбиркорлар қатлами шаклланишининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

жамият ижтимоий стратификациясида тадбиркорлар қатламининг ижтимоий зарурати, ўрни ва аҳамиятини белгилаш, жамиятда тадбиркорлар маданияти шаклланишига кадриятлар тизими таъсирини аниқлаш;

жамиятнинг модернизациялашуви шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизмларини белгилаш, тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи салбий омилларни аниқлаш, тадбиркорлик қатламининг истиқболдаги ижтимоий мавқеига доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги замонавий стратификацион жараёнлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети модернизациялашув жараёни таъсирида жамият ижтимоий тузилмасида тадбиркорлар қатламининг ўзгариш динамикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий-қиёсий таҳлил, анализ, синтез, ретроспектив таҳлил, анкета сўрови, ҳужжатларни таҳлил қилиш сингари эмпирик методлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг эмпирик базасини 2011 ва 2020 йилларда ўтказилган тадқиқот натижалари, давлат статистика қўмитасининг тадбиркорлик ва бизнес субъектлари тўғрисидаги маълумотлари ташкил этди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлар қатламининг реал ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашда социал мобиллик, дифференциация, сегрегация, стереотип, стигма каби хусусиятлари социал масофа орқали очиб берилган;

тадбиркорлик кластерларини ташкил этилиши тадбиркорлар қатламини шаклланишининг социал динамикаси сифатида (тадбиркорликни шаклланиши, таркибий ўзгариши ва ривожланиш қонуниятлари) асосланган;

ижтимоий-маънавий кадриятларнинг таъсири остида тадбиркорлар қатламининг ижтимоий кўмак ишларга тайёрлиги, жамиятда уларнинг мавқеини ҳурмат қилиш позицияси устуворлиги, тафаккурида жамоавий шаклдаги урф-одат ва анъаналарнинг муҳим ўрин тутиши асосланган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда тадбиркорликнинг анъанавий шакллари (касаначилик, ҳунармандлик, фермерлик ва бошқалар) билан бир қаторда янги замонавий шакллари қўллаб-қувватлашнинг

институционал асосларини мустаҳкамлаш бўйича тадқиқот дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлган:

тадбиркорлик ва тадбиркорлар қатламининг жамият ва иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда аҳамияти тизимли тарзда асосланган;

тадбиркорлар қатламига хос бўлган социомаданий хусусиятлар тасниф этилган ва замонавий ўзбек тадбиркори қиёфаси очиб берилган;

тадбиркорлар қатламининг гуманитар қадриятлар тизими белгилаб берилган;

тадбиркорлик ва тадбиркорлар қатлами олдида турган ижтимоий долзарб муаммолар тизимлаштирилган;

жамият стратификация тизимида тадбиркорлар мавқеининг ўзгариш тенденцияси кўрсатиб берилган;

тадбиркорлар қатлами дуч келаётган муаммолар, уларни камайтириш ва бартараф этиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган назарий ёндашувлар иқтисодиёт ва социология методологияларига таянган ҳолда татбиқ этилганлиги, тадбиркорлар қатлами орасида ўтказилган репрезентатив танловга асосланган эмпирик социологик тадқиқот натижаларига таянилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг тажриба-синов ишлари натижалари асосида ишлаб чиқилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамият тараққиётининг ҳозирги даврида тадбиркорлар қатламининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада оширишга қаратилган тизимли ёндашувлар, таклиф ва тавсиялар ишлаб берилганлиги, тадбиркорлик ҳаракати ва оилавий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлаш, ўз ўзини банд қилиш, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган мамлакат истиқбол иқтисодий тараққиётини таъминловчи янги мазмундаги асос эканлигига доир назарий ёндашувлар таклиф этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ғоя ва материаллардан мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришда, соҳага оид интенсив илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда, олий ўқув юртларида «Социология», «Иқтисодий социология», «Тадбиркорлик социологияси» фанлари ўқув дастурлари, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Жамият модернизациялашуви шароитида тадбиркорлар қатламининг шаклланиш динамикаси» мавзуси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

тадбиркорлар қатламининг реал ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашда социал мобиллик, дифференциация, сегрегация, стереотип, стигма каби

хусусиятлари социал масофа орқали очиб берилганлигига оид таклифидан Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг «Ёшлар орасида тадбиркорлик муҳити ва унинг муаммолари» мавзусидаги (2019-2020 йилларга мўлжалланган) илмий-инновацион амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 28 январдаги 2-11-23-191-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда кечаётган ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш ва социологик тадқиқотлар натижадорлигини таъминлаш методологияси ва механизмлари такомиллаштирилган;

тадбиркорлик кластерларини ташкил этилиши тадбиркорлар қатламини шаклланишининг социал динамикаси сифатида (тадбиркорликни шаклланиши, таркибий ўзгариши ва ривожланиш қонуниятлари) асосланганлигига оид таклифидан «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Оилавий тадбиркорликдан кучли оилага» драйверлари асосида ЎзЛиДеП партия фракцияси томонидан 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига киритилган «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, хусусан мазкур қонун лойиҳасининг 2-боб, 11-модда, 3-банд, 4-хат бошидаги Инновацион ривожлантириш стратегияларининг лойиҳалари ваколатли давлат органи томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, илмий ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва экспертларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилади, деган матн ҳамда 3-боб, 15-модда, 7-банди – инновацион фаолиятга инвестиция қилишни амалга оширувчи инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари матнини шакллантиришда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг 2020 йил 29 июндаги 01-27/295-сонли маълумотномаси). Натижада тадбиркорлик фаолиятини қонунчилик томонидан муҳофаза қилинишига оид бандлар мазмуни такомиллаштирилган, «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасига таклиф ва тавсияларни киритишга эришилган;

ижтимоий-маънавий кадриятларнинг таъсири остида тадбиркорлар қатламининг ижтимоий кўмак ишларга тайёрлиги, жамиятда уларнинг мавқеини ҳурмат қилиш позицияси устуворлиги, тафаккурида жамоавий шаклдаги урф-одат ва анъаналарнинг муҳим ўрин тутиши асосланганлигига оид таклифидан «Ҳомийлик маблағларини йўналтириш марказлари фаолиятини унумли ва тезкор ташкил қилиш»да фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 23 январдаги 02-09/161-сонли маълумотномаси). Натижада, коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга етказиладиган ҳайрия ва ҳомийлик ёрдамини илмий асосланган тарзда ташкил қилинишига ҳамда давлат ва нодавлат тизимлари фаолиятини мувофиқлашган тарзда ташкил қилинишига эришилган;

оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда тадбиркорликнинг анъанавий шакллари (касаначилик, хунармандлик, фермерлик ва бошқалар) билан бир қаторда янги замонавий шакллари қўллаб-қувватлашнинг

институционал асосларини мустақкамлаш бўйича тадқиқот дастуридан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда «Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити тадбиркорлар нигоҳида» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлар сўров варақасидаги «В» блокида 4 та, «С» блокида 6 та саволларини тузишда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони 2-бандининг 3 ва 4-хатбошисидаги мантларини шакллантиришда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 29 январдаги №01-16/35-2-сонли маълумотномаси). Натижада мамлакатда қабул қилинаётган давлат ҳужжатларининг тадбиркорликка оид реал амалиётдаги ҳолати билан узвий боғлиқлигини таъминлашга, қонун матнларининг жамоатчилик фикри ва қарашларини ифода этишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, хорижий илмий журналларда 1 та мақола чоп этилган. Республика миқёсидаги илмий-назарий конференция, тўпламлар ҳамда журналларда 4 та ва халқаро миқёсда 2 та тезис эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадбиркорлик ва тадбиркорлар қатлами социологик таҳлилнинг объекти сифатида**» деб номланган биринчи боби тадқиқотнинг назарий-методологик жиҳатдан ўрганишга бағишланиб, унда иқтисодиёт ва социологияда ишлаб чиқилган тадбиркорлик таълимотининг генезиси ва эволюцияси, бу иқтисодий фаолиятни ифода этадиган айрим тушунчалар талқини, тадбиркорлик турлари, тадбиркорлар қатлами шаклланиши, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва функциялари тадқиқ этилган.

Инглиз иқтисодчиси Р. Кантильон (1687-1734 йй.) фикрича, тадбиркор – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатаётган ва турли даромад манбаларига эга бўлган киши: сотувчи, фермер, хунарманд, қашшоқ, майда мулк эгаси ва ҳ.к., даромадларнинг ноаниқлиги асосий аҳамият касб этиши билан бирга, таваккалчиликка тайёргарлик тадбиркорнинг асосий фарқли хусусияти⁸. Инглиз муафаккири А. Смит (1723-1790 йй.) бизнес ва тадбиркорликни шахсий фойда олиш учун таваккалчилик тижорат ғоясини амалга оширувчи мулкдор, деб тавсифлайди. Мулкдор ишлаб чиқаришни ташкил қилади, режалаштиради, унинг натижаларини ўзлаштиради⁹. Немис иқтисодчиси Й. Шумпетер (1883-1950 йй.) тадбиркорни иқтисодий ривожланишнинг етакчи ҳаракатга келтирувчи кучи деб атайди. Ишлаб чиқариш омилларини ҳамма янги комбинациялари (бирикувлари) ёрдамида янгиликни амалга оширадиган ва шу асосда иқтисодий ўсишни таъминлайдиган кишиларни Шумпетер ижодий тадбиркор деб атайди¹⁰.

Немис иқтисодчиси ва социологи В. Зомбарт (1863-1941 йй.) буржуа ичида бири бирига душман бўлган иккита ибтидо: «капиталистик рух» (таваккалчиликка тайёрлик, руҳий эркинлик, ғояларга бойлилик, ирода ва иштиёқ, одамларни ўзаро ишлаш учун кўндириш қобилияти, мижозларни кўндириш, уларнинг ишончини қозониш) ва «бюргер» (фукаровий) рух (хафсала, мўътадиллик, ҳисоб-китоблилик ва бошқа анъанавий буржуа фазилатлар)ни ажратиб кўрсатади¹¹.

Тадбиркорлик тўғрисидаги австриялик ва британиялик иқтисодчи Ф. Хайек (1899-1992 йй.) нинг қарашлари кўп ҳолларда Й. Шумпетер фикрлари билан мос келади. Энг аввало, Хайек учун олий ва даҳлсиз қадрият – бу инсонни бошқа кишилар иродасига бўйсунганини истисно этадиган, лекин фуқаролик жамиятининг қонунлари билан мувофиқлашадиган инсоннинг эркинлиги ҳисобланади. Хайек бўйича, биринчидан, «шахс эркинлиги бозорнинг кўринмас қўли» ва рақобат ҳаракати билан бирлашиши жамиятда изланувчанлик фаоллигини кўпроқ жадаллашишига олиб келади, индивид қобилиятларини рўёбга чиқариш ва ресурсларни адолатли тақсимлаш имкониятини беради, иккинчидан, кўпгина мамлакатларда «тадбиркорлик руҳининг йўқлигига сабаб бўладиган ҳолатлар» эса мазкур ҳудуд аҳолисининг туғма хусусияти эмас, балки мавжуд урф-одатлар ва институтлар томонидан юкланадиган чегараланишлар оқибатидир¹².

Диссертант тадбиркорлик, тадбиркорлар қатламига доир бўлган назария ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик белгилари бўлиб ҳўжалик соҳасида фойда олиш мақсадида йўналтирилган ҳар қандай фаолият, ҳўжалик бошқариш натижалари учун шахсий масъулият ва ўз-ўзича қарор

⁸ Hebert K., Link A. The Entrepreneur. – N.Y., 1982. – P 51.

⁹ Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. – Москва. Соцэкгиз, 1962. – С. 332.

¹⁰ Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. – С.169.

¹¹ Sombart W. Oer Bourgeois. – Munchen, 1991. – P. 70-73, 154-155.

¹² Хайек Ф. Дорого к рабству. – М.: Новое издательство, 2005. – С.8.

қабул қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурчлар мажмуи ёки иқтисодий эркинлик, фаолиятнинг инновацион характери, таваккалчилик деган хулосага келади.

«Тадбиркорлик» тушунчасини тор ва кенг маънода чалкаштириб юбормаслик мақсадида диссертант томонидан «тадбиркорлар» атамасини бу табақа «ядро»сини белгилаш қабул қилинган. Бутун тадбиркорлар қатламини, шу жумладан, периферияда (четда) ги гуруҳларни, тадбиркорликнинг муайян тури билан шуғулланадиган ва ўз фаолиятларининг ҳолати, мазмуни билан фарқланадиган кишиларни белгилаш учун махсус «бизнес қатлам» атамаси киритилган. Бу атама бизнесда у ёки бу тарзда иштирок этаётган ҳамма кишиларни, йирик завод, банк ва биржа эгаларидан тортиб то бўш вақтларида «пул топиш» га интилаётган кишиларни ўз ичига оладиган тушунчадир¹³. Бизнес-табақа – бу мустақил иш юритиш ва шахсий жавобгарлик (масъулият) асосида даромад олиш учун амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий субъектларнинг мажмуи. Диссертантнинг нуқтаи-назарича, тадбиркорлик бизнеснинг асосий унсури, бир тури бўлиб, фойда олиш мақсадидаги капитал ва бошқа иқтисодий ресурслардан фойдаланишга асосланган товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Одатда, аксарият адабиётлар ва изланишларда тадбиркорликнинг ижтимоий функциялари жамият учун зарур бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш сифатида қаралади. Бу функциялардан ташқари, муаллиф томонидан тадбиркорликнинг қўшимча ижтимоий функциялари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

тадбиркорнинг ижтимоий-новаторлик фаолияти, яъни тадбиркор ўз фаолияти давомида ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантиради, янги ижтимоий алоқалар ва социал стереотиплар яратади;

тадбиркор жамиятга чуқурроқ, лекин доим ҳам сезиларли бўлмаган таъсир ўтказиши. У нафақат жамиятда янги маданий анъана ва қадриятлар яратади, шу билан бирга уларни ўзгартиради;

тадбиркор жамиятдаги барқарорликка унинг фаолиятини белгилаб берадиган қонунларга, мулкчилик кафолатларига, мустақил суднинг холислигига эҳтиёж сезади. Бундай ҳолатда тадбиркорнинг сиёсий талаблари ва тадбиркорлик ижтимоий функцияларининг сиёсий жабҳаси намоён бўлади;

янги иш ўринлари ташкил этишдан ташқари тадбиркор ўз оила аъзоларини бизнесга жалб қилади, меҳнатга яроқсиз бўлганлар – болалар, ногиронлар ва кекса ота-оналарни қўллаб-қувватлайди, бу билан давлатнинг елкасидаги кўпгина молиявий юкларни ўзига олади.

Диссертант томонидан тадбиркорлик фаолиятини қуйидагича белгилаш таклиф қилинади: тадбиркорлик фаолияти - бу иқтисодий ёки ижтимоий соҳада бўлишидан қатъий назар, тадбиркорнинг фойда олиш ва унинг ижтимоий мавқеини ошириш билан боғлиқ бўлган мавжуд ресурсларни

¹³ Заславская Т.И. Бизнес – слой российского общества: сущность, структура, статус // Общественные науки и современность. 1995. – № 1. – С.22.

таваккалчилик асосида бирлаштириш орқали ижтимоий аҳамиятли натижани олишидир. Диссертант нуктаи-назарича, тадбиркорлик функциясини иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий институтларидан бири сифатида илмий изоҳлаш ижтимоий-иқтисодий тизим ва тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга имкон беради. Шундай қилиб, тадбиркорлик ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ажралмас, объектив зарурий элементи бўлиб, уларсиз иқтисодиёт ва умуман жамият барқарор тараққий эта олмайди.

Тадқиқотнинг «**Тадбиркорлар қатлами шаклланишининг ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий негизлари**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан ташкил топган бўлиб, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий асослари, жамият ижтимоий стратификациясида тадбиркорлар қатламининг ўрни, тадбиркорлар маданиятида кадриятлар тизими батафсил ўрганилган ва таҳлил қилинган. Аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини кўтаришда тадбиркорликнинг ўрни беқиёс эканлиги, тадбиркорликни ривожлантириш орқали қатор ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш янада осонлашиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳолининг бандлиги таъминланиши, мулкдорлар сафи кенгайиши натижасида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик таъминланиши асосланган. Мамлакат ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб борганлиги қайд этилган. Масалан, 2019 йилда 46,0%, 2020 йилда 44,7%, 2021 йилнинг бошига келиб эса ЯИМдаги улуши 45,0%ни ташкил қилган¹⁴. Охириги 3 йилликдаги рақамлар ўртасидаги бу каби номуносивбликни коронавирус пандемияси билан изоҳлаш мумкин.

Сўнги 5 йилликда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ошиб борган. 2016 йилда уларнинг сони 226,0 мингтани ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг 1 январига келиб эса уларнинг сони 428,6 мингтага етган, яъни деярли икки баробарга ошган(1-жадвал). 2019-2020 йилда мамлакатда кичик тадбиркорлик субъектларининг сонининг кескин ошганлигини кузатиш мумкин. 2016-2021 йиллар давомида кичик тадбиркорлик субъектлари сони йилига ўртача 46,5 мингтага кўпайган¹⁵. Бу ҳолат диссертант томонидан мамлакатда тадбиркорликни кенг тараққий эттириш борасида ҳукумат олиб бораётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси сифатида баҳоланган.

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш муҳим ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Республикада 2020 йилда жами бўлиб 1 558,4 минг нафар расмий ишсизлар қайд этилган. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 17 фоиз ёки 844 мингни, аёллар ўртасида эса 13,7 фоизни ташкил этган¹⁶. Шунинг учун ҳам

¹⁴ Кичик тадбиркорлик субъектларнинг ЯИМ даги улуши. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

¹⁵ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

¹⁶ Ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинмоқда. <https://president.uz/uz/lists/view/4105>


аҳолининг ижтимоий жиҳатдан нисбатан кам ҳимояланган қатламлари – ёшлар ва аёллар ўртасида тадбиркорликни оммалаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар сони (1 январь ҳолатига кўра, бирликда)¹⁷

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	226,0	225,6	242,4	276,2	353,9	428,6
шу жумладан:						
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19,2	19,6	22,1	25,4	31,1	43,9
Саноат	44,2	45,3	50,7	58,7	73,6	87,8
Қурилиш	23,0	23,5	25,2	30,3	37,9	42,9
Савдо	65,7	66,5	66,9	74,6	106,3	139,5
Ташиш ва сақлаш	10,2	11,2	12,3	13,6	15,9	17,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15,5	16,4	18,0	20,9	27,2	32,3
Ахборот ва алоқа	7,0	6,7	6,5	7,1	8,2	9,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	5,9	3,8	4,5	5,5	6,5	7,8
Бошқа турлари	35,4	32,5	36,1	40,1	47,2	54,6

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши, ўз навбатида, улар улушига тўғри келадиган иқтисодий фаол аҳоли сонининг камайишига олиб келиши диссертант томонидан статистик кўрсаткичлар орқали асосланган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлар қатламининг иқтисодий фаол аҳоли сонининг қамраб олиш даражаси (1 январь ҳолатига кўра)¹⁸

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2018 йил 7 июнда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Қарор имзоланди. Қарор оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг веб-сайти маълумотлари асосида тузилди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг веб-сайти маълумотлари асосида тузилди.

бўлган кўплаб имтиёз ва шарт-шароитларни назарда тутган. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада жами 45 954 та оилавий корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 43 122 таси фаолият юритмоқда¹⁹. Бу эса 2020 йилнинг айни шу даврига (39,5 минг) нисбатан 4122 тага ёки 9.1 фоизга ошганлигини билдиради. Мазкур рақамлар аҳолининг моддий фаровонлигида, иқтисодий барқарорлигида оилавий тадбиркорликнинг ўрни катта эканлигини кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини белгиловчи омиллардан бири тадбиркорлар қатламига тегишли бўлган маданият ва кадриятлар тизими ҳисобланади. Ўзбекистонда тадбиркорлар қатлами маданиятида маънавий кадриятларнинг етакчи ўрин тутиши ва уларнинг моддий кадриятлар билан ҳамоҳанг келиши авлодлар ўртасидаги алмашинув, диний сиёсат доирасидаги ижобий тенденциялар, глобаллашув жараёнидаги ўзгаришлар ва янгиликларни қийсий таҳлил қилиш имкониятининг пайдо бўлганлиги, жамиятда жамоавий шаклдаги урф-одат ва анъаналарга муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Диссертант фикрича, тадбиркорларнинг касбий ўзлигини англаш – бу ўзларини профессионал деб билишлари ҳақидаги фикрлар мажмуаси. Тадбиркорларнинг касбий ўзлигини англашини ривожлантириш даражаси уларда акмеологик омилларнинг шаклланган даражалари: «касбий компетенция», «касбий йўналтириш», «психологик маданият» билан белгиланади. Буларнинг бирлашувида улар нафақат тадбиркорлар эришган касбий ўзини ўзи англаш даражаси, балки унинг мақбул даражаси ва тадбиркорларнинг кейинги ўзини ўзи ривожлантириш имкониятларини ҳам тавсифлайди (2-расм).



2-расм. Тадбиркорларда касбий ўзлигини англашининг шакллантириш модели²⁰.

Тадқиқот натижаларини ўрганиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, тадбиркорларнинг касбий ўзлигини англашнинг акмеологик асосларини («акме» – юксаклик, чўққи деган маънони англатиб, «акмеология» – инсоннинг шахсий комилликка ва касбий маҳоратга эришиш жараёнини тадқиқ этувчи фан) шакллантириш муҳим.

«Жамият модернизациялашуви тадбиркорликни тараққий эттириш омили» деб номланган 3 бобда жамиятни модернизациялашуви ва тадбир-

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича маълумотлари (2021 йил 1 январь ҳолатига кўра).

²⁰ Қаранг: Холов А.Х., Хайдарова Ж.А., Дуланов Б.Э. Ёшлар орасида тадбиркорлик муҳити ва маданиятини шакллантириш. Рисола. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази. – Тошкент: «Yurist-media markazi», 2020. – 120 б.

корлик ривожининг алоқаси, тадбиркорлик муҳити ва муаммолари диссертант томонидан таҳлил қилинган.

Социологияда модернизация назарияси жамият ичидаги модернизация жараёнини тушунтириш учун қўлланилади. Модернизация дейилганда «премодерн» ёки «анъанавий» жамиятдан «замонавий»га босқичма-босқич ўтиш модели тушунилади. Модернизация назарияси немис социологи Макс Вебер (1864-1920 йй.) ғоялари²¹ асосида пайдо бўлиб, кейинчалик америкалик социолог Талькотт Парсонс²² (1902-1979 йй.) томонидан модернизация парадигмасининг пайдо бўлишига замин яратди.

Ижтимоий фанларда модернизация назарияси мамлакатнинг ички имкониятлари ёрдамида ривожланган давлатлар сингари тараққий этишини кўзда тутди. Модернизация назарияси ижтимоий тараққиёт ва жамиятларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ижтимоий ўзгарувчиларни аниқлашга ва ижтимоий эволюция жараёнини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Модернизация назарияси кўпроқ замонавий амалиётлар қўлланилиши билан анъанавий жамиятлар ривожланиб боришини назарда тутди. Маълумотларни қайта ишлашнинг янги технологиялари ва транспорт, алоқа ва ишлаб чиқаришда анъанавий усулларни янгилаш зарурати каби ўзгаришлар замонавийлаштиришни ҳозирги ҳолатга нисбатан зарур ёки ҳеч бўлмаганда афзалроқ, деб ҳисоблайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда модернизациялашув ҳам ўз навбатида тадбиркорлик фаолияти доирасида сифатий ўзгаришлар ва тадбиркорликнинг энг замонавий шакл ва турларини ўзлаштириш заруратини бўлишини талаб этади.

Жамият тараққиётдаги замонавий тенденцияларни инобатга олган ҳолда мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар тадбиркорликнинг анъанавий шакллари (касаначилик, ҳунармандлик, фермерлик ва бошқа) билан бир қаторда унинг замонавий шакллари: фриланс, тежамкор ва инновацион технологиялар, кластеризация, ноу-хауга асосланган турларини янада тараққий эттиришни тақозо этади, бу эса мамлакатдаги кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошишига ҳамда тадбиркорлар қатлами таркибида сифатий ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Ҳар қандай жамият ўз тузилишига кўра, баъзи бир хусусиятлар асосида гуруҳланган қатламлардан ташкил топади. Ижтимоий қатламларнинг табақаланиш мезонлари турлича бўлиши мумкин. Одамларга берилган ҳокимият мавқеи, иқтисодий ҳолати, таълим даражаси ва бошқа мезонлар бунга мисол бўлади. Шунга кўра, инсонлар ўзларининг турли ижтимоий мавқеи, роллари ва фаолиятлари нуқтаи назаридан юқори ёки паст даражаларда жойлашади²³.

²¹ Вебер М. Избранное: Протестантская этика и дух капитализма. – М.: ОССПЭН, 2006. – С. 186.

²² Парсонс Т. О социальных системах. – М.: Академический проект, 2002. – 832 с. Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Аспект Пресс, 1998. – 270 с.

²³ Сорокин П. А. Социальная стратификация и мобильность // Человек. Цивилизация. Общество. – Москва: Политиздат, 1992. – С. 297.


Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик кластерига қўшилган, турли ишлаб чиқариш салоҳиятига эга, зарур менежмент, маркетинг ва логистика имкониятларини бирлаштирган тадбиркорлар муайян ҳудудда ижтимоий қатлам сифатида ўзларини фаол намоиш этишни бошладилар.

Тадбиркорлик кластери тадбиркорлик қатламининг социал қатлам сифатида ривожланишига қўшимча динамика бера олиш билан бирга бу жараён турли тармоқ ва ҳудудларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Репрезентативлик асосида тадбиркорлар қатлами ва унинг муаммоларини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотда жамият ижтимоий стратификациясида тадбиркорларнинг мавқеи, уларнинг фаолиятида кадрятларнинг туганган ўрни батафсил таҳлил қилинди²⁴.

Маълумки, аҳолини муайян синфларга ажратишнинг 2 шакли: уларнинг топадиган даромадини ҳисоблаш ва ўз-ўзини баҳолаш усули мавжуд. Тадқиқотда тадбиркорлардан «Ўзингизни қайси синфга мансуб деб ҳисоблайсиз?» деган савол таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти, яъни 67,4 фоизи ўрта, 22,2 фоизи эса юқори, қолган 10,4 фоизи эса қуйи синфга мансуб деб ҳисоблаши маълум бўлди (3-расм).

Олинган натижалар тадбиркорлар ижтимоий қатлам сифатида жамият ижтимоий стратификациясида ўз ўрнига эга бўлганлигини, бу қатламни бемалол ўрта синфга мансуб деб ҳисобланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.



3-расм. Тадбиркорларнинг қайси синфга мансуб эканликлари тўғрисидаги ўз-ўзини баҳолашлари (%)²⁵

Сўнги 4-5 йилда тадбиркорлар қатламининг жамият таркибидаги ўз ўрни, мавқеини ўзгаришини социал мобиллик (ҳаракатчанлик) жараёнидаги вертикал ва горизонтал шаклида ҳаракатланганини кўришимиз мумкин. Ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиб келаётганлиги натижасида социал мобиллик тадбиркорлар қатлами фаоллигининг, ижтимоий муносабатларнинг кучайишида стимул бўлиб хизмат қилади.

Президент Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан амалга оширилаётган ислохотлар асосида тадбиркорлар қатлами фаолиятининг кенгайиши ва интен-

²⁴ Тадқиқот Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан ҳамкорликда 2020 йилнинг октябрь ойида республиканинг барча 14 ҳудудида сўров усули орқали ўтказилди, унда жами 1194 нафар тадбиркорлар ҳудудлар бўйича квотали танлаш асосида сараланди.

²⁵ Муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқот маълумотлари асосида тузилган.

сивлигининг ошишини дифференциация шаклда намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

